



“НАВОИЙНИ БИЛИШЛАРИ УЧУН УНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ ЗАРУР...”

Шукурова Зилола,

Самарқанд давлат чет тиллар институти
катта илмий ходим—изланувчиси

Таянч сўз ва иборалар: глобаллашув даври, Навоий даҳоси, туркий мумтоз адабий жанрлар: газал, туюқ, рубоий, эпик достон, таржиманинг конвенционал нормаси, тағлама таржима, бадиий таржима.

Глобаллашув жараёнининг камрови тобора кенгайиб бораётган ҳозирги даврда республикаимиз Мустақиллигининг барқарорлиги ва келгусидаги тараққиёти буюк аждодларимиз томонидан яратилган илмий, адабий, маънавий —маданий меросни кенг кўламда тадқиқ ва тарғиб этиш, дунё тилларига таржима қилиш билан бевосита боғлиқ эканлиги сир эмас. Мумтоз адабиётимиз намуналарини, хусусан, Алишер Навоий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш масаласига бугунги кунда жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг *“Юксак маънавият — энгилмас куч”, “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор”* асарларида кўрсатилган вазифалар [2, 32] асосида белгиланган Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси *“Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши”*нинг дастурига мувофиқ Самарқанд давлат чет тиллар институтининг *“Алишер Навоий ижоди хорижий тилларда: таржимонлар, манбалар, таржималар”* илмий -тадқиқот мавзуси доирасида олиб борилаётган ишларни улуғ мутафаккир ва шоирнинг 575 йиллик юбилейига муносиб туҳфа сифатида баҳолаш мумкин.

1991 йил Ўзбекистонга Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги арафасида ташриф буюрган италиялик эроншунос, Венеция университети профессори Рикардо Зипполи журналистларга берган интервьюсида муҳим бир фактни келтиради. Олим

Навоийнинг форсий ғазаллари тадқиқотчиси сифатида унинг машҳур *“Ғар он турки”* ва Ғарбда *“ноёб услуб даҳоси”* саналган Ҳофизнинг *“Агар он турки”* ғазалини компьютер программаси орқали текшириб, қуйидагиларни аниқлаган: *“Услубнинг яқинлиги, ўзига хос оҳанг, лугат, синонимик қатор. Аммо Навоий газалида кўр —кўрона тақлид эмас, аксинча, катта маҳорат ва поэтик баркамоллик сезилади. Унинг ҳар бир сўзи сайқал берилган дур каби, фикрлари тиниқ ва равшан, ифода тарзи Ҳофизникига қараганда нафисроқ”* [4. 4].

Зипполининг таъкидлашича, *“Навоий феномени ноёб ҳодиса, у антик ва ўрта асрлар, жаҳон Уйғониши даврининг буюк ақллари билан тенглаша олади, аммо у дунё миқёсида кам йўқланган шоир. Навоийнинг номини дунё таниши учун уни имкон қадар кўпроқ таржима қилиш зарур. Яхши таржимонларни, ноширларни топиш лозим”*. Бу фикр ўринли эканлигига шак—шубҳа йўқ. Маълумотларга қараганда, Умар Ҳайёмнинг жаҳонгашта рубоийлари ҳам бирданига муваффақият қозонмаган. Таржималарнинг нашр этилиши ва матбуотда адабий танқидчиларнинг чиқишлари, *“Сиз Ҳайём рубоийларини ўқидингизми?”* каби мақолаларнинг пайдо бўлиши Фицджеральднинг инглизча таржималари кенг тарқалишига туртки бўлади.

Маълумки, Шарқ мумтоз шеърини ўзининг мусиқийлиги, шарқона оҳанги, эҳтиросли муҳаббат ва теран фалсафий фикрнинг омухта ифодалаганлиги билан ҳамиша ғарб китобхонини жалб қилиб



келган. Рус шарқшуноси А.Н.Самойлович “Мен –Мажнун, Туркистон -Лайли”, деб ёзганида, Гёте “*Фарбу Шарқ*” девонини битганида, С.Н.Иванов рус талабалари олдида “*Лисонут -тайр*” достонидан қилган таржималарини берилиб ўқиганида, “*Фарҳод ва Ширин*” достонини немис тилига ўгирган А.Курелла достонни Ғафур Ғуломга ўқитиб, аслият оҳангига соатлаб кулоқ тутганида нималарни ҳис қилганини тушуниш мумкин. Кейинги йилларда Ғарбий европалик ва америкаликларнинг шарқ мусиқаси билан бир қаторда шарқ ғазалиётига бўлган қизиқишлари ҳам тобора ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. АҚШнинг Вейслан университети томонидан чоп этилган «*Ravishing lisunites. Real Chazals in English*» (2000 йил) тўпламида 160 га яқин америкалик шоирнинг инглизча ғазаллари келтирилган. Шу ўринда савол туғилади: Алишер Навоийнинг илмий мазмундаги асарлари, эпик достонлари рус ва европа китобхонлари орасида маълум ва машҳур бўлгани ҳолда, унинг лирик шеърлари Умар Ҳайём рубойлари ёки Ҳофиз ғазаллари сингари машҳур бўлмаганлигининг сабаби нимада?

Ғарб филологик илмида узок йиллар давомида Навоий шахсиятига назиранавис шоир сифатида нотўғри қарашлар оқибатида унинг ижоди таржимонлар эътиборидан четда қолдими ёки форс –тожик тилидан рус ва европа тилларига таржима қилиш анъанаси авж олган даврларда ҳам туркий тилдан таржима қилиш ишларининг оқсаганлигиданми?

Шу ўринда айтиш лозимки, Собик совет тузуми даврида иттифоқдош республикалар миллий адабиёти намояндаларининг ижодидан рус тилига таржима қилиш ишлари сиёсий мажбурият юзасидан бошланган бўлса-да, рус шарқшунослари ва шоир – таржимонлари бу ишга масъулият ва меҳр билан ёндашдилар. Хусусан, Навоийнинг бадиий ижодини чуқур тадқиқ ва таҳлил

қилган Е.Э.Бертельс унинг оригинал шоир эканлигини исботлаган. Шоирнинг эпик достонлари С.Иванов, Л.Пеньковский, Вл.Державин, С.Липкин, А.Старостинлар томонидан маҳорат билан ўгирилган бўлса, асл туркий жанр ҳисобланган туюқларини А.Н.Самойлович ва С.Н.Иванов рус тилида қайта яратдилар. Ўтган асрнинг 1968-1969 йиллари рус тилида нашр этилган 10 жилдлик Алишер Навоий асарларининг 1-2 томларига жами 754 та ғазал (Навоий ғазалиётининг ярмиси ҳам эмас), 24 та рубой, 52 та китъа, 11 та туюқ, 14 та таржиббанд, 1 та фард, 1 та соқийнома таржимаси киритилган [5, I –II томлар].

Алишер Навоий лирик асарлари тўпламини рус тилида қайта яратишда 40 га яқин таржимонлар ишладилар. Шунга кўра, таржималарнинг савияси ҳам турлича. Бундан ташқари, бу жиддий нашрдан сўнг, гўёки Навоий асарларини таржима қилиш ишларига нукта қўйилгандек, янги таржималар матбуотда узок вақт кўзга ташланмагани сир эмас. Собик тузум мафкураси тазйиқи остида “*таржиманинг конвенционал нормаси*” га мувофиқ ҳисоблаб, “*Хамса*” достонларини таржима қилишда катта қисқартиришларга йўл қўйилганлиги, натижада бешликнинг бир бутунлигига путур етказилганлиги тўғрисида ўша йиллардаёқ Г.Ғофурова (1973), Н.Владимирова (1978), С.Иванов (1978), Л.Серикова (1980), Ғ.Саломов (1983) ва б. томонидан очиқ–ойдин танқидий фикрлар билдирилган бўлса-да, таржима амалиётида қарийб ярим аср давомида бирор-бир силжиш кўзга ташланмади.

Шу ўринда, айтиш лозимки, шоир эпик достонларининг русча таржималари ўз ўқувчиларини топган бўлса-да, лирик шеърларининг таржималари у қадар муваффақият қозонмаганлигини орадан ўтган ярим асрлик вақт кўрсатиб турибди. Фақат кейинги йилларда Навоий лирикасидан Маргарет Ветлин, Л.Кметюк, Қ.Маъмуров, Д.Султоновалар инглиз



тилига, Н.Пфеффер, Й.Парда немис тилига, М.Ниёзхонов француз тилига ўгирган намуналар бу йўналишда қилинган дастлабки муваффақиятли уринишлар сифатида эътироф этилмоқда [6, 2000й.].

2015 йилда олим–таржимон И.Мирзаев томонидан рус тилидан ўзбек тилига ўгирилган Е.Э.Бертельснинг “Навоий” монографияси ҳам муҳим тадқиқотнинг ўзбек тилидаги илк жиддий варианты сифатида илмий аҳамиятга эга [3, 2015й.].

Бугунги кунда Навоий дostonларининг русча таржима матнлари олдинги нашрларида тушириб қолдирилган боблар таржимаси устида ҳам қизғин иш бошлангани қувонарли ҳол. 2015 йил “*Жаҳон адабиёти*” журнали саҳифаларида “Фарҳод ва Ширин” дostonининг олдинги нашрларда тушириб қолдирилган ўн икки боби Қ.Эргашев томонидан амалга оширилган тағлама таржима [8, №1-2-3-4-5] ҳамда ана шу тағлама таржима асосида В.Васильевнинг бадиий таржимаси эълон қилинди [9,3-18].

Албатта, бу бошланғич тажрибалар шоир асарларини бошқа тилларга таржима ва тарғиб этиш ишларига кенг йўл очиб беради, деб умид қиламиз. Зеро, Президентимиз И.А.Каримовнинг “*Юксак маънавият-енгилмас куч*” асарида белгиланганидек, “*эндиликда адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан Фарб ва Шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур*” [1, 48].

Бинобарин, шоир ижодини дунёга кенг ёйиш таржималарнинг сифати билан белгиланар экан, бугун бу ишда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди. Таржимашунос М.Холбеков АҚШ, Англия, Франция, Олмония каби давлатларда миллий ва хорижий адабиёт намуналарини таржима қилиб, тарғиб этиш фаолияти билан шуғулланаётган нашриёт ва журналлар тажрибасини қўллаб қўришни тавсия этади [10, 201].

Назаримизда, таржимачилик соҳасида грант лойиҳаларини жорий этиш, йилнинг энг яхши ва самарали таржимонларини эътироф этиш, таржимонларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, таржима амалиёти бўйича семинар–тренинглар ташкил этиш, тилга ихтисослашган олий ўқув юртларида “Таржима назарияси ва амалиёти” фанидан ўқув соатларини кўпайтириш ва бошқа ташкилий ишларни ҳам йўлга қўйиш зарур. Бундан ташқари, русийзабон мактаб, лицейлар дастурига киритилган Навоийнинг таржима асарларини назардан ўтказиш, таржималар орқали Навоий асарларига меҳр уйғотиш, икки -уч тилни (рус, ўзбек, инглиз) баравар ўзлаштираётган ўқувчиларни таржима амалиётига қизиқтириш чораларини ҳам кўриш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради.

Бу борада Самарқанд давлат чет тиллар институтида шаклланган “*Ёш таржимонлар*” мактабининг амалга ошираётган ишлари таҳсинга сазовор. Айниқса, шоир –таржимон, кўп йиллар мобайнида “*Инглиз тили стилистикаси*”, “*Таржима назарияси ва амалиёти*” фанларидан талабаларга сабоқ берган беназир устоз Динора Султонова охириги йилларда Навоий лирикасидан инглиз тилига бевосита қилаётган таржималари инглиззабон мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда. Унинг 2015 йилда нашр этилган 28 та ғазал таржимасидан иборат “*Сайланма*”си [8, 2015й.] шоир таваллудининг 575 йиллигига муносиб тухфа бўлди, десак муболаға бўлмайди. Шу йили 25-30 август кунлари Самарқандда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” X халқаро мусиқа фестивалига таширф буюрган мусиқашунос мутахассисларга совға тариқасида тарқатилиб, улар билан фикр алмашинилди. Навоий ғазалларини шоирнинг сўлим юртида инглиз тилида биринчи марта ўқиётган шарқ мусиқаси шинавандаларининг юз –кўзларида катта



кизикиш ва эҳтиромни сезиш қийин эмас эди. Шу билан бирга, инглиз тилида ғазал оҳанги, жаранги уларни ҳайратга солганининг гувоҳи бўлдик. Шу ўринда, шарқона ғазални дунёга тараннум этган Муножот Йўлчиевага Навоий ғазаллари таржималари “Сайланма”сини тақдим этар эканмиз, албатта, инглиз тилида ҳам ғазал куйлаш насиб этсин, дея тилак билдирдик.

Назаримизда, туғма истеъдод соҳиблари бўлган таржимонларни кадрлаш, уларнинг имкон қадар кўпроқ таржима қилишлари учун шароит яратиш бериш, рағбатлантириш, амалга оширилган таржималарни мутахассислар ўртасида кенг муҳокамасини ташкил этиш, интернет-журналларда эълон қилиш орқали Навоий асарларини дунёга тарғиб қилиш ишларини жонлантириш, бу ишга чет эллик мутахассислар диққатини жалб этиш мумкин.

Ҳозирда Д.Султонова Навоийнинг 11-13 байтли мураккаб ғазаллари, соф туркий жанр ҳисобланган омоним қофияли туюқлари, рубоийларини инглиз тилида маромига етказиб қайта яратмоқда. Таржимоннинг таъкидлашича, у поэтик таржиманинг Иржи Левый кўрсатган тамойилларига асосланиб иш кўради.

Хуллас, Навоий ғазалларининг Д.Султонова амалга оширган таржималарида арузий оҳангнинг берилиши, шарқона бой қофиянинг сақланиши, бадий санъатларнинг инглиз тилига хос фонетик усуллар орқали қайта яратилиши ва ҳ.к. натижасида инглизча янграётган туркона ғазаллар инглизчабон филолог-мутахассислар томонидан янгилик сифатида қабул қилиниб, юқори баҳоланмоқда. Эҳтимол, Навоий ижоди очилмаган кўрик сингари янгича бўй кўрсатаётгандир?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А.Адабиётга эътибор –маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент:Ўзбекистон, 2009.
3. Бертельс Е.Э. Навоий. И.К.Мирзаев таржимаси. –Тошкент: Тафаккур қаноти, 2015.- 355б.
4. Зипполи Р. Исследую творчество Навои с помощью компьютера. // Самаркандский вестник, 1991йил, 26 сентябрь.
5. Навои, Алишер Сокровищница мыслей. I-II том. –Ташкент, 1968.
6. Navoiy, Alisher Pearls from Ocean Publishing house. Tashkent: “Shark”, -2000. -143 p.
7. Selected Gazals of Navoiy Selections done by Musoeva Hayitgul, Translations done by Dinara Sultanova. T.: Наврўз нашриёти, 2015 –74бет.
8. Фарҳод ва Ширин достонидан. Қ. Эргашев насрий таржимаси. // Жаҳон адабиёти 2015 йил, январь, февраль, март, апрель, май сонлари.
9. Фарҳад и Ширин. Фрагменты поэмы. /Перевод В.Васильева / Жаҳон адабиёти 2015йил, июнь сони.
10. Холбеков М.Н. Амин Маалуфнинг “Самарқанд” романи ва унинг ўзбекча таржимаси ҳақида. Замонавий тилшунослик ва лингводидактиканинг коммуникатив аспекти. /Республика илмий –амалий анжумани материаллари. -Самарқанд, 2015йил, 1-2 май.

Шукурова З. “Чтобы знать Навои, его необходимо переводить”. Данная статья посвящается вопросам состояния перевода произведений Алишера Навои на европейские языки. В качестве примера приводятся анализы перевода из лирики поэта на английский язык М.Ветлином, К.Маъмуровой, Д.Султановой; на французский язык М.Ниязхоновым, подстрочный перевод пропущенных глав из поэмы «Фарҳад и Ширин» осуществленный К.Эргашевым.



Shukurova Z. To understand Navoi the works must be translated. The article is dedicated to the questions about the state of translation of Alisher Navoiy's works into other European languages. As the samples translations from Navoiy's lyrics into English done by M.Wettlin, K.Ma'murov, D.Sultanova, into French by M.Niyazkhonov.
